

**Архив иши ва иш юритиш соҳаси бўйича**

# **АХБОРОТНОМА**

**53-сон**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
“Ўзархив” агентлиги томонидан архив идоралари учун тайёрланган*

Тошкент 2016



## Архив иши ва иш юритиш соҳаси бўйича

# АХБОРОТНОМА

## 53-сон

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
“Ўзархив” агентлиги томонидан архив идоралари учун тайёрланган*

**Бош муҳаррир:**

А.Х.Абдуллаев

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
“Ўзархив” агентлиги

**Таҳрир хайъати:** Д.Л.Кучарова, А.А.Усмонов

**Саҳифаловчи ва муқова дизайнери:** А.А.Усмонов

**Манзил:** 100043, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2  
Мурожаат учун телефон: (371) 277-11-68  
Электрон манзил: [uzarchive@archive.uz](mailto:uzarchive@archive.uz)  
Веб-сайт: [www.archive.uz](http://www.archive.uz)

Ушбу ахборотнома йилда тўрт марта чиқади.

Ушбу ахборотноманинг электрон шаклини “Ўзархив” агентлигининг расмий веб-сайтидан кўчириб олишингиз мумкин.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар.

Журналда чоп этилган маълумотлардан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.





## МУНДАРИЖА

<b>МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР.....</b>	<b>5</b>
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги Бош директорининг буйруғи: Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида .....	5
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги Бош директори буйруғи: Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида .....	9
<b>ЯНГИЛИКЛАР.....</b>	<b>12</b>
ISO9001 серияли стандарт сертификати тантанали топширилди.....	12
Архив ходимлари “Central Asia-2016 X халқаро конференцияси”да иштирок этдилар.....	12
Архивчиларнинг халқаро конференцияси.....	13
Евразика халқаро архивлар кенгашининг Евроосиё минтақавий филиаллари 17- умумий конференцияси .....	13
<b>ТАДБИРЛАР .....</b>	<b>14</b>
Миллий матбуот марказида “Ўзархив” агентлиги томонидан соҳа мутахассислари малакасини ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.....	14
“Давлат архивларида фондлаштириш ва қайта фондлаштириш ҳамда республика фонд каталоги ва давлат каталогига маълумот киритиш” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди .....	14
Миллий архив фондининг нодавлат сигментини ривожлантиришнинг долзарб масалалари .....	15
“Мустақил юрт архивлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.....	15
Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида “Замонавий архивчининг имиджи” мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди .....	16
<b>ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА .....</b>	<b>17</b>
“Ўзархив” агентлиги ҳайъати йиғилишлари ва унда кўрилган асосий масалалар тўғрисида .....	17



<b>“ЎЗАРХИВ” АГЕНТЛИГИНИНГ 2016 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИ БЎЙИЧА СОҲАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ЯКУНЛАРИ.....</b>	<b>19</b>
<b>МАҚОЛАЛАР.....</b>	<b>30</b>
Хужжатларда акс этган ҳаёт .....	30
Национальный архивный фонд: вчера и сегодня .....	32
Архив хужжатларини келажак авлодга етказиш-масъулиятли вазифа.....	36
Архивное хранение документов в филиале иностранной организации, действующей на территории России.....	38
Первый промышленный архив в Европе: история, функции, состав фондов .....	43
<b>ЯНГИ ТАЙИНЛАНИШ.....</b>	<b>52</b>
<b>ИЛОВА .....</b>	<b>52</b>



**МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
“ЎЗАРХИВ” АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ВА АРХИВ  
МУАССАСАЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 27-сон, 333-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 7 июлда рўйхатдан  
ўтказилди, рўйхат рақами 2806]**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор ўринбосари Д. КУЧАРОВА**

Тошкент ш.,  
2016 йил 20 июнь,  
44-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги Бош директорининг  
2016 йил 20 июндаги 44-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-  
кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни (бундан буён матнда ахборот деб юритилади) ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ахборот “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тасдиқланадиган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот рўйхатига (бундан буён матнда ахборот рўйхати деб юритилади) мувофиқ ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви



органларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот бундан мустасно.

2. Ахборот ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига улардан кейинчалик ахборотдан фойдаланувчилар танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

3. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборотни ахборот-кутубхона ҳамда архив муассасаларига тақдим этиш учун масъул ходим тайинланади.

**2-боб. Ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш**

4. Календарь йил тугагандан сўнг, ўтган йилга оид (1 январь — 31 декабрь ҳолатига) ахборотлар акс эттирилган хужжатлар жамланиб, уларнинг электрон нусхалари тайёрланади. Бунда:

матн, шу жумладан жадвал, схема ва бошқа матнли маълумотлардан иборат бўлган хужжатлар — “PDF” шаклда;

овозли ёзувлар — “WAV” ёки “MP3” шаклда;

видео ёзувлар — “AVI” ёки “MP4” шаклда;

тасвирлар, шу жумладан фотосуратлар — «JPEG» шаклда тайёрланади.

5. Ахборотларнинг электрон нусхалари ахборот рўйхатига мос равишда номланган электрон жилдларга жойлаштирилади ва CD ёки DVD дискларга (бундан буён матнда дисклар деб юритилади) ёзилади. Бунда дискларга ахборот рўйхатига асосан тузилган ва мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ электрон шаклда (“PDF”) расмийлаштирилган тақдим этилаётган хужжатлар рўйхати (бундан буён матнда хужжатлар рўйхати деб юритилади) ҳам ёзилади.

6. Ахборотлар акс эттирилган дисклар ҳар йили 31 январгача:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари марказий аппарати томонидан — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига;

худудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятлардаги давлат архивларига ёхуд Тошкент шаҳар давлат архивига кузатув хати орқали тақдим этилади.

7. Ахборот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) масъул ходими 5 иш куни ичида тақдим этилган дискларда акс эттирилган ахборотларнинг хужжатлар рўйхатига мувофиқлиги, шунингдек ушбу ахборотларнинг компьютерда ўқирилиши имконияти бирма-бир текшириб чиқилади.

8. Текшириш натижасида дисклардаги ахборотлар хужжатлар рўйхатига мувофиқ бўлса, шунингдек ушбу ахборотларнинг компьютерда ўқирилиши имкони мавжуд бўлса, ахборот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) масъул ходими ҳамда тегишли давлат ҳокимияти органи (давлат бошқаруви органи) масъул ходими томонидан икки нусхада мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Далолатнома топширувчи ва қабул қилиб олувчи шахслар томонидан имзоланади ҳамда тегишлича ахборот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) раҳбари томонидан тасдиқланади ва ташкилотнинг муҳри қўйилади.

Далолатноманинг бир нусхаси ахборот-кутубхона муассасасида (архив муассасасида) қолади, иккинчи нусхаси эса, тегишли давлат ҳокимияти органи (давлат бошқаруви органи) масъул ходимига топширилади.

9. Дисклардаги ахборотлар хужжатлар рўйхатига мувофиқ бўлмаганда ёхуд ушбу ахборотларнинг компьютерда ўқирилиши имкони мавжуд бўлмаганда, улар (агар ахборотлар бир нечта дискка ёзилган бўлса, номувофиқлик ва (ёки) камчилик аниқланган дисклар) қабул қилинмайди ва тегишли ахборот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) кузатув хати



билан уларни тақдим этган ташкилотга қайтарилади. Бунда аниқланган ҳар бир номувофиклик ва (ёки) камчилик кузатув хатида кўрсатилиши ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилиши шарт.

10. Давлат ҳокимияти органи (давлат бошқаруви органи) томонидан ахборот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) кузатув хатида кўрсатилган номувофиклик ва (ёки) камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, ахборотлар ёзилган диск (дисклар) белгиланган тартибда 10 кун ичида тегишли ахборот-кутубхона муассасасига (архив муассасасига) қайта тақдим этилиши лозим.

### 3-боб. Яқуний қондалар

11. Масъул ходимлар ахборотларнинг тўғрилиги ҳамда ўз вақтида топширилиши ва қабул қилиб олинishi учун жавобгар ҳисобланади.

12. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофик жавобгар бўлади.

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан келишилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири  
**Х. МИРЗАХИДОВ**

2016 йил 16 июнь

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори **А. ХОДЖАЕВ**

2016 йил 16 июнь

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_нинг \_\_\_\_\_ йилга  
(ташкilotнинг номи) (йил)

### оид фаолияти тўғрисидаги тақдим этилаётган ҳужжатлар РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳужжат тури ва реквизитлари	Ҳужжат матнига аннотация	CD ёки DVD дискда ҳужжат жойлашган жилд	CD ёки DVD дискда ҳужжат номланган файл	Ҳужжатнинг шакли ("PDF", "WAV", "MP3", "AVI" "MP4" ёки "JPEG")	Ҳужжатнинг ҳажми
	1	2	3	4	5	6

Изоҳ:

мазкур рўйхатда ҳужжатлар ахборот рўйхатига мос равишдаги номларда ва кетма-кетликда келтирилади;

1-устунда — бир турдаги ҳужжатлар гуруҳланган ҳолда келтирилади (масалан: буйруқлар, йиғилиш баёнлари, ҳисоботлар ва ҳоказо);

6-устунда — «PDF» шаклдаги ҳужжат — varaқда, «WAV», «MP3», «AVI» ва «MP4» шаклдаги ҳужжатлар — соат, дақиқа, сонияда, «JPEG» шаклдаги ҳужжат — ҳисоб бирлигида (дона) кўрсатилади.



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

(қабул қилувчи муассаса раҳбари (лавозими))

(Ф.И.О.)

(имзо)

(сана)

М.Ў.

**ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

хужжатларни топшириш-қабул қилиш (санаси)

(топшириш асоси)

(топширувчи ташкилот номи)

топширди,

эса,

(қабул қилиб олувчи муассаса номи)

йилга оид фаолияти тўғрисидаги ахборотлари акс эттирилган CD (DVD) дискни қабул қилиб олди.

Унда

қуйидаги ахборотлар (хужжатлар) акс эттирилди:

Т/р	Давлат ҳокимияти ёки бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги хужжат тури ва реквизитлари	Хужжат матнига аннотация	CD ёки DVD дискда хужжат жойлашган жилд	CD ёки DVD дискда хужжат номланган файл	Хужжатнинг шакли ("PDF", "WAV", "MP3", "AVI" ёки "MP4" ёки "JPEG")	Хужжатнинг ҳажми («PDF» — варақда, "WAV", "MP3", "AVI" ва "MP4" — соат, дақиқа, сонияда, "JPEG" — ҳисоб бирлигида (дона) кўрсатилади)
	1	2	3	4	5	6

Жами қабул қилинган хужжатлар ва ҳисоб бирлиги сони \_\_\_\_\_.

Изоҳ: \_\_\_\_\_.

**Топширди:**

**Қабул қилиб олди:**

(топширган шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

(қабул қилиб олган шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

(имзо)

(имзо)

(сана)

(сана)





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
“ЎЗАРХИВ” АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИ БУЙРУҒИ**

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АХБОРОТ-  
КУТУБХОНА ВА АРХИВ МУАССАСАЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР  
БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ  
ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 27-сон, 334-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 7 июлда рўйхатдан  
ўтказилди, рўйхат рақами 2807]**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Бош директор ўринбосари Д. КУЧАРОВА**

Тошкент ш.,  
2016 йил 20 июнь,  
45-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги Бош директорининг  
2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив  
муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ахборот-кутубхона ва архив муассасалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни доимий равишда жамлаб, тўлдириб ва сақлаб бориладиган электрон нусхалари мажмуини — электрон базасини (бундан буён матнда электрон база деб юритилади) юритиши шарт.



2. Мазкур Йўриқнома талаблари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган хужжатларга нисбатан татбиқ этилади.

**2-боб. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган хужжатлар билан ишлаш**

3. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган хужжатлар ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ электрон шаклда юритиладиган журналда топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан ҳисобга олиб борилиши шарт.

4. Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган хужжатларни ҳисобга олиш ва журнални юритиш учун муассаса раҳбарининг буйруғи билан масъул ходим тайинланади.

5. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган хужжатлар ҳисобга олингандан сўнг, улар ахборот-кутубхона ва архив муассасалари масъул ходимлари томонидан 3 иш куни ичида электрон базага киритилади. Бунда хужжатлар ҳар календарь йил ҳамда ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи бўйича алоҳида-алоҳида туркумлаштирилган ҳолда жойлаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари тегишли ҳудуд бўйича жамлаган электрон базаларни умумлаштириш учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига 1 мартдан кечиктирмай тақдим этиши лозим.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар қуйи давлат архиви муассасалари томонидан жамланган электрон базалар умумлаштириш учун 20 февралга қадар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви ёки вилоятлар давлат архивларига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архивлари томонидан тегишли ҳудуд бўйича умумлаштирилган (жамланган) электрон базалар 25 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига тақдим этилади.

8. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳудудий ахборот-кутубхона ва архив муассасалари томонидан тақдим этилган электрон базаларни 1 мартга қадар республика бўйича умумлаштириб, ўз электрон базаларини шакллантириши шарт.

9. Электрон базалар тегишлича ҳудуд бўйича жамланган ҳолда 20 февралдан кечиктирмай Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архивларининг, республика бўйича умумлаштирилган ҳолда эса, 5 мартдан кечиктирмай Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг расмий веб-сайтларида алоҳида саҳифада жойлаштирилиши лозим.

10. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви бошқа ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига республика бўйича умумлаштирилган электрон базалардан фойдаланиш учун ўз расмий веб-сайтлари орқали шароит яратиб бериши шарт.

11. Электрон база калит сўзлар (кўп учрайдиган ёки хужжат номининг қисқача мазмунини билдирувчи сўзлар), ҳаволалар ҳамда бошқа параметрлар асосида керакли ахборотни тез ва осон қидириш ҳамда қидирилаётган ахборотларни фойдаланувчига тақдим этиш, шунингдек компьютер орқали ўқилиш имкониятига эга бўлиши керак.



12. Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади.

13. Ахборотдан фойдаланувчилар электрон базалардан ўзига керакли бўлган маълумотлар билан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида алоҳида ажратиладиган компьютерлар воситасида интернет тармоғига уланган ҳолда (онлайн) ёки электрон базанинг локал нусхалари олинган ҳолда (оффлайн) танишиб чиқиш ҳуқуқига эга.

14. Электрон базадаги ахборотлардан нусхалар олиш фойдаланувчиларнинг буюртмаларига асосан тегишли ахборот-кутубхона ва архив муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасида амалга оширилади.

### 3-боб. Яқуний қондалар

15. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

16. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан келишилган.

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири  
Х. МИРЗАХИДОВ**

2016 йил 16 июнь

**Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. ХОДЖАЕВ**

2016 йил 16 июнь

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
ИЛОВА

\_\_\_\_\_ да  
(муассасанинг номи)

**давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни  
ҳисобга олиш**

### ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ

Юритилиши бошланди: 20 \_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_.

Юритилиши тугатилди: 20 \_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_.

Т/р	Ҳужжатларни тақдим этган ташкилот	Ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана	Жами қабул қилинган ҳужжатлар (ҳар бир шакли бўйича алоҳида (дона))	Шундан:				Ҳужжатлар ни қабул қилиб олган шахснинг Ф.И.О. ва имзоси
				“PDF” шаклдаги ҳужжат (варак)	“WAV” (“MP3”) шаклдаги ҳужжат (соат, дақиқа, сония)	“AVI” (“MP4”) шаклдаги ҳужжат (соат, дақиқа, сония)	“JPEG” шаклдаги ҳужжат (дона)	
	1	2	3	4	5	6	7	8



## ЯНГИЛИКЛАР

### ISO9001 серияли стандарт сертификати тантанали топширилди

Аввал хабар қилганимиздек, “Ўзархив” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари марказий давлат архивига халқаро ISO 9000 стандартлари оиласига мансуб ISO 9001 стандартини ўз иш фаолиятида жорий қилишни ташкил этиш асосий устувор вазифалардан бири этиб белгиланган эди.

Жорий йилнинг 7-8 апрел кунлари ISO 9001 халқаро стандартини архив фаолиятида жорий этиш натижаси ва мониторингини ўрганиш мақсадида тегишли ташкилотнинг аудитори архивда ўз баҳолаш, кузатув ва ўрганишларини олиб борган эди.

Ўрганишлар натижасида архивда халқаро ISO ташкилоти стандартлари оиласига мансуб ISO 9001 стандартини жорий этилиши муваффақиятли деб топилиб, архивга халқаро даражада тан олинган сифат тизимларини сертификати берилиши мумкинлиги маълум қилинган эди.

Жорий йилнинг 26 апрелида сертификат Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари марказий давлат архивига топширилди. Сертификатни Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари марказий давлат архиви директори Б.Ахмедовга “CERT INTERNATIONAL” ташкилоти директори ўринбосари билан биргаликда “Ўзархив” агентлиги Бош директори А.Абдуллаев топширди.

### Архив ходимлари “Central Asia-2016 X Халқаро конференцияси”да иштирок этдилар

“Ўзархив” агентлиги ва тизимидаги архив муассасалари ходимлари жорий йилнинг 21-23 апрел кунлари Самарқанд шаҳрида навбатдаги “Central Asia-2016 Илм-фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот-кутубхона ресурслари X Халқаро конференцияси”да иштирок этдилар. Мазкур тадбир анъанавий тарзда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ўтказилиб, унда Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари ҳамда чет эл вакиллари томонидан ахборот-кутубхона, архив ва музейларнинг илм-фан, таълим, маданият ва бизнесда электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш ишларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Конференцияда “Ўзархив” агентлиги Бош директори А.Абдуллаев “Корпоротив ахборот тармоқларини даражасига кўра иэархик тизимда архив ишини бошқариш бўйича туркумлаш”, Агентликнинг бўлим бошлиғи А.Алиев “Кутубхона ва музейларнинг МАФ хужжатларини марказлашган электрон маълумотлар базасини яратиш”, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно хужжатлари марказий давлат архиви директори Д.Закирова “Аудиовизуал меросни рақамлаштиришнинг долзарб масалалари” ҳамда катта илмий ходими М.Мирзаахмедов “Музейлардаги фотопластинкаларни рақамлаштириш орқали ягона электрон база яратишнинг ўзига хос хусусиятлари” номли маърузалари билан иштирок этдилар.

Конференция ташкилотчилари томонидан “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи А.Алиев “Энг яхши модератор” деб эътироф этилди. Иштирокчиларнинг овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно хужжатлари марказий давлат архиви директори Д.Закированинг “Аудиовизуал меросни рақамлаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги маърузаси “X-Халқаро конференциянинг энг яхши маърузаси” номинациялари бўйича 1-ўрин соҳиби этиб эътироф этилди.



### Архивчиларнинг халқаро конференцияси

Жорий йилнинг 19-20 май кунлари Полшанинг Варшава шаҳрида Полша давлат архивлари бош дирекцияси ва Миллий Хотира институти (Institute of National Remembrance) тошкilotчилигида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари архивларининг “Тарихнинг мураккаб масалалари ва архивлар” мавзусида XVI халқаро конференция ўтказилди.

Тадбирларда Руминия, Россия, Беларусия, Болгария, Босния-Гертсоговина, Ўзбекистон, Украина, Полша, Қозоғистон, Қирғистон, Эстония, Хорватия ва бошқа хорижий мамлакатлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистондан вакил сифатида Тошкент шаҳар Архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Маҳкамов “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик йилларида қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштиришнинг янги йўналишлари” мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди.

Маърузада қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштиришнинг барча йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар (1937-1953 йиллар), фожеавий тақдирлар, Ўзбекистоннинг архив ҳужжатлари ҳамда ушбу мавзу бўйича тарихчилар ва архивчилар олдида турган истиқболдаги ишлар таъкидлаб ўтилди.

### ЕВРАЗИКА Халқаро архивлар кенгашининг Евроосиё минтақавий филиаллари 17- умумий конференцияси

2016 йилнинг 31 май – 1 июн кунлари Беларусия Республикасининг Минск шаҳрида ЕВРАЗИКА Халқаро архивлар Кенгашининг Евроосиё минтақавий филиалларининг 17-умумий конференцияси ўтказилди ҳамда МДХга аъзо давлатлар архив раҳбар ҳодимларининг маслаҳат кенгаши учрашуви ва “Архивлар ахборот технологиялар оламида” халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувни Беларусия Республикаси Адлия вазири О.Л.Слижевский ва Беларусия Республикаси Адлия вазирлиги иш юритиш ва архивлар департаменти директори В.И.Адамушқолар очиб берди. Учрашувда МДХ ижрочи котиби - Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В.Г.Гаркун иштирок этди. Евразика Архивлар Халқаро Кенгашининг Евроосиё минтақавий филиаллари 17-умумий конференциясида Ўзбекистон, Россия, Беларусия, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Полша давлатларининг вакиллари иштирок этди.

Учрашувда кузатувчилар сифатида Ҳитой, Латвия ва Литва вакиллари қатнашдилар.

2016 йилнинг 1 июнь куни “Архивлар ахборот технологиялар оламида” Халқаро илмий-амалий конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори Б.М.Ахмедов “Архив соҳасида интеграциялашган ахборот тизимларидан фойдаланишнинг янги жиҳатлари” мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди.

ЕВРАЗИКА халқаро архивлар Кенгашининг Евроосиё минтақавий филиаллари конференцияси ва МДХга аъзо давлатлар архив раҳбарларининг маслаҳат кенгашининг навбатдаги учрашуви 2017 йил кузда Арманистонда ўтказилиши режалаштирилди.



## ТАДБИРЛАР

**Миллий матбуот марказида “Ўзархив” агентлиги томонидан соҳа мутахассислари малакасини ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

“Ўзархив” агентлиги Бош директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида замонавий илм-фан сирларини пухта ўзлаштирган этук кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда 103 та давлат архиви, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида 110 та идоралараро шахсий таркиб архивлари ҳамда тўққиз мингдан зиёд идоравий архивлар фаолият юритмоқда.

“Архив иши тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори архив муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишчи-ходимларга қулай шароит яратишда муҳим омил бўлаётир.

Соҳада кадрлар тайёрлаш масаласи доимий эътиборда. Архив иши ва иш юритиш йўналишида кадрлар тайёрлайдиган 28 та касб-ҳунар коллежи, 4 та олий ўқув юрти мавжуд. Марказий давлат архивлари қошида ташкил этилаётган “Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати”, “Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари” семинар-тренингларида ходимлар малака оширмоқда.

Анжуманда архив муассасаларини билимли ва малакали кадрлар билан таъминлаш, соҳа бўйича лавозимларини ошириб бориш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими ҳақида маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

**“Давлат архивларида фондлаштириш ва қайта фондлаштириш ҳамда Республика фонд каталоги ва Давлат каталогига маълумот киритиш” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди**

“Ўзархив” агентлигининг 2016 йил 22 апрелдаги 4-АФ-сон фармойишига асосан 2016 йилнинг 5-6 май кунлари Шаҳрисабз шаҳрида, 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида, 19-20 май кунлари Урганч шаҳрида ва 26-27 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Новой вилояти Архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан “Ҳудудлардаги давлат архивларида фондлаштириш ва қайта фондлаштириш ҳамда Республика фонд каталоги ва давлат каталогига маълумот киритиш” мавзусида семинар тренинг ўтказилди.

Семинар-тренингда республика бўйича архив муассасаларида фаолият юритувчи 300 га яқин раҳбар ва фондларнинг бош сақловчиси, катта фонд сақловчилари, бош мутахассислар, етакчи архивчилар, 1-тоифали архивчилар ҳамда архивчи ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур семинар-тренингда архив ҳужжатларини фондлаштиришнинг мақсад ва вазифалари, архив фондларининг турлари, фондларни ташкил этиш тартиби, қайта ташкил этилган, қисқартирилган ва тугатилган юридик шахсларнинг ҳужжатларини фондлаштириш, архив фондларининг даврий чегаралари, фонд номи уларга рақам бериш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.



Семинар-тренинг якунида барча давлат архивларида фондлаштириш ва қайта фондлаштириш ишларини ягона тартибда сифатли олиб бориш, фондлардаги ўзгаришлардаги фонд карточкаларида тўғри акс этириш ва республикада фонд каталоги ва давлат каталогига аниқ маълумотлар киритишини таъминлаш ҳамда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш борасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

### **Миллий архив фондининг нодавлат сигментини ривожлантиришнинг долзарб масалалари**

2016 йилнинг 14 июнида Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича ўтказиладиган матбуот анжуманларининг ягона режаси”га асосан “Ўзархив” агентлиги томонидан “Миллий архив фондининг нодавлат сигментини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги бугуннинг устувор масаласига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини бойитиб бориш, уларни тизимли асосда жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш ҳамда нодавлат архивларини шакллантириш масалалари муҳокама этилди. Шу билан бирга, республикада давлат архивлари тармоғига кирмайдиган, лекин қонунчиликка мувофиқ тарзда нодавлат архивлар сифатида қайта ташкил этиши лозим бўлган архивлар фаолияти ва ҳозирда мавжуд бўлган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Рақамларга эътибор қаратилса, бугунги кунда республика бўйича архив муассасаларида жами 37 700 дан ортиқ фонд мавжуд бўлиб, уларнинг таркибидаги хужжатларнинг сони 8,6 млн. сақлов бирлигини ташкил этади. Шундан миллий архив фондининг нодавлат қисми 473 500 дан ортиқ сақлов бирлигига тўғри келади. Архив муассасаларидаги 5 886 та шахсий фондда 374 907 сақлов бирлигидаги хужжатлар мавжуд. Жами асосий рўйхатга киритилган жамлаш манбалари эса 10 754 тадан иборат бўлиб, шундан нодавлат ташкилотларининг улуши 1 360 тага тўғри келмоқда.

Тадбирда “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти архив иши ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ва ходимлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчи ва талабалари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

### **“Мустақил юрт архивлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно хужжатлари марказий давлат архивида “Ўзархив” агентлиги билан ҳамкорликда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда 9 июн – Халқаро архивлар кунига бағишлаб “Мустақил юрт архивлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

“Ўзархив” агентлиги Бош директори ўринбосари Д.Кучарова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга ошириляётган ислохотлар жараёнида архив ишини ривожлантириш, ушбу муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишга қаратилёган доимий эътибор ўз самараларини бераётганини таъкидлади.



Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнда қабул қилинган “Архив иши тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим асос бўлаётир.

Мамлакатимизда 103 давлат архиви, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида 110 идоралараро архивлар ҳамда 9 мингдан зийод идоравий архив фаолият юритмоқда. Уларда сақланаётган миллий архив фонди ҳужжатлари 8,6 миллион сақлов бирлигига, идоравий архивларда 1,2 миллионга етди.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида соҳада қатор ютуқларга эришилгани, архивлар янги бино ва қўшимча иншоотлар билан таъминлангани, уларда ходимлар ва фойдаланувчилар учун қулай шароитлар яратилаётгани қайд этилди.

### **Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида “Замонавий архивчининг имиджи” мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди**

Жорий йилнинг 1 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигининг 2016 йил 3 июндаги 6-АФ-сон фармойиши асосида “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар режаси”да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида “Замонавий архивчининг имиджи” мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ушбу кўрик-танловда “Ўзархив” Агентлигидан бўлим бошлиғи А.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви директори Д.Закирова, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Маҳкамов ва Тошкент вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи Г.Бекмуҳамедовалар ҳакамлар ҳайъати сифатида иштирок этдилар. Кўрик танловни Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви директори А.Маҳамматов кириш сўзи билан очиб берди.

“Архив ходимлари имиджи ҳар бир бўлимлар нигоҳида” ва “Ҳар бир бўлим фаолиятининг буклети ва эмблемаси тақдироти” номли шартлар бўйича ўтказилган тадбирда Марказий давлат архивининг барча бўлимлари ўзаро беллашдилар. Ушбу шартлар бўйича ҳар бир бўлимдан иштирокчилар замонавий архивчилар имиджи, буклет ҳамда эмблема ҳақидаги фикрларини видео-ролик, слайд ҳамда қисқа сахна кўриниши орқали кўрсатиб бердилар.

Кўрик танлов сўнгида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви директори А.Маҳамматов томонидан иштирокчилар I, II ва III даражали дипломлар ва пул мукофотлари ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Ушбу кўрик-танлов иқтидорли ёш архивчиларнинг маънавий маданиятини юксалтириш, архив соҳасига оид билимларини ошириш, ҳар бир бўлимнинг асосий иш фаолияти бўйича аниқ маълумотларга эга бўлишига кенг имкониятлар яратди.





## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

### “Ўзархив” агентлиги ҳайъати йиғилишлари ва унда кўрилган асосий масалалар тўғрисида

2016 йил 31 мартда Марказий давлат архивлари директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти архив иши бошқармалари бошлиқлари иштирокида Ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарорини ижроси; Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивида Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонун ижроси; “Ўзархив” агентлиги 2016 йил давлат бюджетидан ажратилган маблағларни “Ўзархив” агентлиги ҳамда марказий давлат архивлари ўртасида тақсимланиши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

\*\*\*

2016 йилнинг 26 апрелида “Ўзархив” агентлиги тизимида 2016 йил I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бажарилиши; Агентлиги тизимидаги архив муассасаларида Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги 2015 йил 9 декабрда қабул қилинган Қонуни ижросини таъминланиши, АКТни жорий этилиши ва ахборот хавфсизлигининг таъминланиши; Агентлик тизими идораларида коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш; Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан келиб тушган сўровлар ижроси ҳамда Республика архив муассасаларида ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

\*\*\*

2016 йилнинг 24 майида “Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олишни таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари тўғрисида 2016 йил 10 майдаги 46-сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик томонидан “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан “Ўзархив” агентлигининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, чора-тадбирлар режаси амалга ошириш мақсадида Назорат ва мониторинг олиб бориш бўйича ишчи гуруҳ таркиби ҳамда “Ўзархив” агентлиги ва архив муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Республикамиз оммавий ахборот воситаларида соҳалар бўйича бериб бориладиган мақолалар ва материалларнинг эълон қилиниши бўйича



режа-график ва оммавий ахборот воситаларида соҳалар бўйича бериб бориладиган мақолалар ва материаллар сифатига қўйиладиган талаблар тасдиқланди.

\* \* \*

2016 йилнинг 6 июнда “Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олишни таъминлаш; Сурхондарё вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 101-сонли қарори ижросини ўрганиш натижалари; Агентлиги тизимидаги марказий давлат архивларида бухгалтерия ҳисобини юритилиши; Агентлик тизимида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан ишлаб чиқилган “Ижро интизомини рейтинг баҳолаш дастури таъминоти” электрон дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.



## “ЎЗАРХИВ” АГЕНТЛИГИНИНГ 2016 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИ БЎЙИЧА СОҲАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ЯКУНЛАРИ

### Молиявий - иқтисодий кўрсаткичлар

Ҳисобот даврида республика давлат архивлари пулли хизматларининг умумий ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан ўсди ва **3 155,7 млн. сўми** ташкил этди, ўсиш суръати **110%** (2015 йил 1-ярим йиллик якунида – **2 868,0 млн сўм**). Республика давлат архивлари томонидан пулли хизматлар асосан идоровий архивлар хужжатларига илмий-техникавий ишлов бериш, мавзули сўровларни бажариш ва меъёрий-услубий хужжатларни тайёрлашдан иборат бўлди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 12 февралда тасдиқланган 05-5-1-сон Чора-тадбирлар режаси ҳамда 2016 йил 17 февралдаги ЭДО-03/1-865-сон йиғилиш баёнига мувофиқ кўчмас мулк объектларининг кенг кўламдаги хатлови бўйича ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган комиссиялар томонидан келиб тушган сўровлар асосида **5 882,2 млн. сўм** миқдоридаги пулли хизматлар бепул бажариб берилди.

“Ўзархив” агентлиги ва **3** та марказий давлат архивларининг 2016 йил 1 июнь ҳолатига дебиторлик қарзлари **6,4 млн.** (2015 йилнинг шу даврида **9,9 млн.**) сўми ташкил этди.

“Ўзархив” агентлиги ва **3** та марказий давлат архивларининг 2016 йил 1 июнь ҳолатига кредиторлик қарзлари **5 млн.** сўми ташкил этди (2015 йилнинг шу даврида 2,5 млн. сўми ташкил этган).

Ходимларга пенсия ва нафақа тўловлари бўйича Чилонзор туман Пенсия фонди бўлими томонидан 2016 йил 1 июнь ҳолатига **2 495,7 минг.** сўм миқдорида қарзлар мавжуд.

Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича маълумотлар 1-15 жадвалларда (иловада) берилмоқда.

### Жаҳон иқтисодий инқирозини олдини олиш борасида республика Президенти томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши таҳлили

Архив муассасаларида иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли, барқарор суръатларини ва моддий-техника базасининг ривожланишини таъминлаш, жамлаш манбалари ҳисобланган ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлаш, тугатилаётган ташкилотларнинг хужжатларига илмий-техникавий ишлов бериш, архив иши ва иш юритишга оид меъёрий-услубий базани янада такомиллаштириш, 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси билан белгиланган вазифалар Агентликнинг Ҳайъат йиғилишларида муҳокама этилиб, барча архив иши ҳудудий бошқармалари ва марказий давлат архивларига тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Архив муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда архивлар томонидан кўрсатилаётган пулли хизматлар таҳлили ўтказилди. Хусусан, вилоят давлат архивларининг фақатгина хужжатларга илмий-техник ишлов бериш хизмат турини кўрсатиш билан чегараланиб қолаётганлиги, ушбу архив муассасалари хужжатларни муқовалаш, тикиш каби хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш зарурлиги, шунингдек, улар



томонидан хужжатлар учун махсус қутилар тайёрлаш тажрибасини қайта тиклаш, ташкилотларнинг иш юритиш бўлимлари фаолиятига оид меъёрий-услубий хужжатларни ишлаб чиқиш кўрсаткичларини ошириш, хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини кўпайтириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини хатловдан ўтказиш ва интерактив хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш каби тадбирлар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодиётни янада ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, таркибий ўзгартиришлар ва модернизациялаш бўйича 2016 йил иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлаган мажлисдаги маърузасида белгиланган топшириқларни сўзсиз бажариш бўйича “Ўзархив” агентлиги тизимида амалга ошириладиган аниқ Чора-тадбирлар” тасдиқланди (мазкур Чора-тадбирлар ижроси бўйича ҳисобот материаллари иловада келтирилган).

### **Тармоқнинг ривожланиш тенденциялари, уларнинг 2015 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш динамикаси (%)**

#### **Тармоқ фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар:**

Ўзбекистон Республикасида архив ишини ривожлантиришнинг 2016 йил 1-ярим йиллигига мўлжалланган режаси **32** та кўрсаткичлар бўйича бажарилди, **24** та кўрсаткич бўйича ошириб бажарилди.

Хусусан, архив хужжатлари асосида мавзули сўровларни бажариш **26 909 (369%)**та (2015 йил 1-ярим йиллигида – 7285 та); фуқаролардан сурат хужжатларни қабул қилиш **258 (277 %)** ҳ.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 93 ҳ.б.); давлат архивларидаги шахсий таркиб хужжатларини қимматлилигини экспертиза қилиш **17 385 (180%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 9 623 с.б.); илмий-техник хужжатларни қимматлилигини экспертиза қилиш **253 (147%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 172 с.б.); бошқарув хужжатларини мавжудлиги ва ҳолатини текшириш **290 567 (148%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 196 344 с.б.); алоҳида қимматли хужжатларни аниқлаш **12 385 (127%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 9753 с.б.); бошқарув хужжатларини рўйхатлаш **153 814 (141 %)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 109 033 с.б.); илмий-техник хужжатларини рўйхатлаш **243 (175%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 139 с.б.); шахсий келиб чиқиш хужжатларини рўйхатлаш **779 (125%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 623 с.б.); шахсий келиб чиқиш хужжатларни каталоглаштириш **119 (138%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида 86 с.б.); бошқарув хужжатлари каталоглаштириш **22 393 (119%)** с.б. (2015 йил 1-ярим йиллигида – 18 844 с.б.); архив хужжатларини электрон нусхалари яратиш **43 080 (117%)** с.б. (2015 йил 1-чорагида – 37 086 с.б.); архив хужжатлари асосида **108 525 (112%)** та ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровларни бажариш (2015 йил 1-ярим йиллигида – 96 524 та) амалга оширилди.

#### **Фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар бўйича:**

Архив иши ва иш юритиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги хужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди:



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 февралдаги “2016 йилда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 42-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича “Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида Кодекс”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси тайёрланди. Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича режа-жадвал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилиб, 2016 йил 4 мартдаги 08/12/16-43-сон билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Режа-жадвал асосида Агентликнинг 2016 йилнинг 14 мартдаги 18-сон буйруғи билан ишчи гуруҳ тузилди. Жорий йилнинг 18 мартда ишчи гуруҳнинг 1-йиғилиши ўтказилди ва асосий вазифалар белгиланди. Қонун лойиҳаси ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Бугунги кунда мазкур Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон қарори 1-иловасининг 4-банди 2,3- хатбошларини ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом” ҳам “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома” лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли тавсиялари ва кўрсатмалари инобатга олиниб, қайта ишлаб чиқилиб, **Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси** билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказиш учун юборилди.

#### **Агентликка юклатилган асосий вазифаларнинг бажарилиши**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 49-сон қарори юзасидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:**

Агентликнинг асосий тадбирлар Режасига мувофиқ Ҳайъат йиғилишлари ўтказилиб, уларда архив муассасаларида қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижроси ҳамда республикада архив ишини ривожлантиришнинг асосий масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, 2016 йил 1-ярим йиллигида “Ўзархив” агентлигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ва Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорлари ҳисоботлари эшитуви Режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ҳамда уларнинг тизимидаги архивларда архив ҳужжатларининг техник ва физикавий-кимёвий ҳолатини текшириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилиши ва ахборот хавфсизлиги, электрон ҳужжатлар алмашинуви, илмий-маълумотнома аппарати шакллантирилиши ва доимий равишда ривожлантирилиши, архив томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари ва уларни



интерактив шаклга ўтказиш, жамлаш манбаларидан архив ҳужжатларини қабул қилиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, ягона интерактив давлат хизматлари порталидан келиб тушган сўровлар ижроси ҳолати, архив ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, топилмаган ҳужжатлар қидирувини ташкил этиш тўғрисида, архив маълумотномалари, архив кўчирмаларини ва архив нусхаларини расмийлаштириш тўғрисида, архив сақловхоналарида ҳужжатларнинг сақловини ташкил этиш ва бу борадаги муаммолар тўғрисида, архив ҳужжатларининг келиб тушишини ҳисобга олиш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар тўғрисида, архив хоналарини стеллажлар, шкафлар ва токчаларни рақамлаштириш тартиби, топографик кўрсаткичларни юритиш ва ёрлиқларни расмийлаштириш ишларининг бориши тўғрисида, архив ҳужжатларини сақлашнинг норматив режаларига амал қилиниши ва бу борадаги мавжуд муаммолар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

“Ўзархив” агентлигининг 2016 йил 1-ярим йиллигига мўлжалланган Асосий иш Режасига мувофиқ жойларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатлари ижроси ҳамда архив иши ва иш юритиш ҳолати ўрганилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивида Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни; Тошкент шаҳар архив муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ижроси, Сирдарё вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасаларида соҳага оид асосий фаолияти комплекс ўрганиш ўтказилиб, атрофлича таҳлил қилинди.

Архив муассасалари томонидан архив ишини ривожлантириш режасининг бажарилиши, Ўзбекистон Республикаси идоравий архивларда сақланаётган МАФ ҳужжатларининг ҳолати ва ҳажми, МАФ ҳужжатларини давлат архивларида сақловини ташкил этиш, илмий ноширлик ва илмий тадқиқот ишлари режасини бажарилиши ҳамда архив муассасалари тармоғи бўйича статистик ҳисоботлар тайёрланиб, Агентлик томонидан умумлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 73-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида архив муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари мониторинги олиб борилди.

Агентлик томонидан давлат архивлари фаолияти йўналишлари бўйича мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳужжатлар сақловини таъминлаш бўйича ҳужжатларнинг давлат ҳисоби, МАФ ҳужжатларига ИМАни тузиш ва ривожлантириш, фондларнинг таркиби ва миқдорида ўзгаришлар ҳақида маълумотномалар билан танишиш ва Агентликнинг РФКга ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси МАФ Давлат каталогини базасини шакллантириш ишлари олиб борилди.



Шунингдек, “Худудлардаги давлат архивларида фондлаштириш ва қайта фондлаштириш ҳамда Республика фонд каталоги ва Давлат каталогига маълумот киритиш” мавзусида барча архив муассасалари ходимлари иштирокида семинар-тренинглар ўтказилди.

“Ўзархив” агентлиги МЭТК йиғилишларида Хоразм ва Тошкент вилоятлари архив иши худудий бошқармалари ҳузуридаги ЭТКларининг 2015 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси МЭКлари, Республика Нейрохирургия илмий маркази, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ЭК ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан келиб тушган 2016 йил 16 мартдаги 89-01-1369-сонли ва 2016 йил 29 мартдаги 89-01-1568-сонли хатларида баён этилган масалалар муҳокама қилинди ва архив иши ҳамда иш юритишга доир ички норматив ҳужжатлар маъқулланди.

**Халқаро алоқаларни ривожлантириш** бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 сентябрдаги 02/1-436-сонли “Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Н.Модининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи (2015 йил 6-7 июль) чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш тўғрисидаги чора-тадбирлар Режаси ҳамда 2015-2017 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик Дастури 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 16 феввалида Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси ва Агентлик раҳбарияти ўртасида учрашув ўтказилди.

Учрашувда ҳар икки давлатнинг бой маданий ва тарихий меросга эга эканлиги, кадрятларнинг ўхшашлигини инобатга олган ҳолда келгусида архив соҳасида ўзаро ҳамкорлик ишларини ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, архивлар фаолиятига янги ва замонавий технологияларни жорий этиш тўғрисида фикрлар билдирилди. Ҳар икки давлатнинг архив соҳаси бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, Агентлик томонидан Корея Миллий архиви ҳамда Ўмон Султонлиги Хужжат ва архивларни сақлаш бўйича миллий бошқармалари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, архивлар ва ҳужжатларни сақлаш соҳасида ўзаро тажриба ва фаолият алмашиш мақсадида англашув меморандумларни имзолаш режалаштирилди. Ҳозирда ушбу давлатлар билан англашув меморандумлари лойиҳалари тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги билан Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси ўртасида 2016-2018 йиллар учун соҳа бўйича ўзаро ҳамкорлик режаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, келишиш учун Ташқи ишлар вазирлигига киритилди.

**Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарорини бажарилиши бўйича чора-тадбирлар режасида белгиланган топшириқларни амалга



ошириш юзасидан барча архив муассасалари билан Агентлик томонидан тасдиқланган “Ўзархив” агентлигида электрон хужжатлар алмашиш тизимини ҳамда компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, АКТни ривожлантириш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси”га мувофиқ барча архив муассасалари билан хужжатларни электрон имзо қўйиш орқали алмашишни йўлга қўйилиб, вазирлик ва идоралар ҳамда тизимдаги архив муассасалари билан “е-хат” электрон почта тизими орқали хужжатлар алмашинмоқда.

“Ўзархив” агентлиги томонидан “Ижро интизомини рейтинг баҳолаш дастури таъминоти” ишлаб чиқилди. Ушбу дастур ҳозирда Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасаларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида синовда ўтказилмоқда. Синов натижасига кўра Агентлик тизимидаги барча архив муассасаларига тадбиқ қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва Андижон, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари давлат архивларида жорий этилган замонавий ахборот (сенсорли) киоскларининг электрон базалари янада кенгайтирилиб, давлат архивларида сақланаётган **50 753** та корхона, ташкилот ва муассасаларнинг шахсий таркиб хужжатлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилди.

Шу билан бирга, Архив ишини ривожлантиришда Интернет тармоғидан фойдаланишнинг техник имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида 2016 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида, республика давлат архивларида хужжатларнинг сақловини таъминлашга оид замонавий технологияларни жорий этиш бўйича жами **170, 5** млн. сўм маблағ мақсадли сарфланиб жами **30** та компьютер, **14** та UPS, **14** та принтер, **9** та сканер, **1** та нусха қўчириш аппарати, **1** та рақамли фотоаппарат, **2** та инфокиоск режага мувофиқ сотиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарори бўйича:**

2016 йил 1-ярим йиллигида АКТ бўйича малака ошириш юзасидан тегишли шартномалар тузилиб, жами **10** нафар ходимлар Тошкент ахборот технологиялари университетининг тегишли филиалларида малакаларини оширдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги “Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларни рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2042-сон қарори бўйича:**

software.uz Интернет-порталида “Ўзархив” агентлигининг шахсий-кабинети яратилган бўлиб, у орқали дастурий таъминот воситаларига бўлган талаблар доимий равишда жойлаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари марказий давлат архиви томонидан Республика архивларида хужжатлари сақланаётган ташкилотларнинг номлари бўйича маълумотлар базаси яратилиб, мазкур архивнинг веб-сайтига ([www.ntmd.uz](http://www.ntmd.uz)) жойлаштирилди ҳамда мазкур маълумотлар базасидан Агентлик веб сайти ва тегишли хаволалар асосида кенг фойдаланиш имконияти яратилди.





Мазкур архивда архив хужжатлари сақланаётган сақловхоналарга замонавий хона иқлимиди назорат қилувчи ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган мосламалар ўрнатилиб, техник синовдан ўтказилди ва ҳозирда мазкур ахборот тизимиди бошқа давлат архивларига жорий этиш режалаштирилди.

“Ўзархив” агентлиги томонидан “Ижро интизомиди рейтинг баҳолаш дастури таъминоти” электрон дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур ҳозирда Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасаларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида синовда ўтказилмоқда. Синов натижасига кўра Агентлик тизимидаги барча архив муассасаларига тадбиқ қилиш режалаштирилган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сон қарорини бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси бўйича:**

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги, хусусан, меҳнат фаолияти ва иш ҳақини тасдиқлаш, ўқув муассасаларида ўқиганликни тасдиқлаш ҳамда мукофотланганлик тўғрисидаги архив маълумотномаларини бериш бўйича **1316 та (128 %)** сўровлар қабул қилиниб, ижро этилди (2015 йил 1-ярим йиллигида - 1027 та).

2016 йил 1-ярим йиллиги давомида жисмоний ва юридик шахслардан **197 та (118 та my.gov.uz)** мурожаатлар келиб тушди. Ушбу мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида **47 (24 та my.gov.uz)** таси Агентлик томонидан ижроси таъминланди, **150 (94 та my.gov.uz)** таси Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ тааллуқлилиги бўйича юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимиди жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сон қарори бўйича:**

қарорда белгиланган топшириқларга асосан “Ўзархив” агентлиги бўйича ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлар ҳар чоракда [ict.nis.uz](http://ict.nis.uz) порталига киритиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил майда 08-08-8-сон билан тасдиқланган Агентлик веб-сайтини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасига мувофиқ Агентлик веб-сайтини белгиланган талабларга мослаштириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

“Ўзархив” агентлиги фаолиятида 2016 йил 2-ярим йиллик учун ИКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича режа ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилди.

Жумладан, Агентликнинг веб-сайти давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблардан келиб чиққан ҳолда модернизация қилиниб, унда форум, интерактив хизматлар, очиқ маълумотлар



бўлими, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, излаш, ишонч телефони, тезкор алоқа рақами ва бошқа тизимлари такомиллаштирилди ва ташқи кўриниши қайтадан ўзгартирилди.

Веб-сайтга коррупцияга қарши курашга чорловчи махсус видео роликлар жойлаштирилди.

Веб-сайтга белгиланган талаб бўйича ҳафтада камида 1 мартаба янгиликлар киритиб борилмоқда. Агентлик фаолиятига доир очиқ маълумотлар ва бошқа ахборотлар доимий равишда киритилиб борилмоқда.

Ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича “Ўзархив” агентлиги ва марказий давлат архивлари ахборот тизимларида “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази” томонидан экспертиза ўтказилиб, унга асосан ахборотлар ҳимоясини янада кучайтириш бўйича тегишли тавсиялар олинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz)га “Ўзархив” агентлигининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига очиқ маълумотлар билан доимий ва фаол тўлдириб борилишини таъминлаш мақсадида Агентликнинг Хужжатлардан фойдаланиш ва ахборот хизмати бўлими бошлиғи (А.А.Усмонов) масъул этиб белгиланди.

**АКТ соҳасида амалга оширилган лойиҳалар доирасида бажарилган ишлар бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги ПҚ-949-сон “Корея Республикаси Хукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг алоҳида қимматли ҳужжатлари электрон шаклини яратиш ишлари жадаллаштирилишига эришилди ва МАФга киритилган алоҳида қимматли ҳужжатларни 2015-2017 йилларда рақамлаштириш Режа-дастурига асосан ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида **20 212** сақлов бирлигидаги, шу жумладан **219 701** варақ қоғоз, **133** та кино, **18 100** та сурат, **158** та овоз ҳужжатларининг электрон нусхалари ҳамда **1 761** сақлов бирлигидаги қоғоз асосдаги ва **13 200** ҳисоб бирлигидаги сурат ҳужжатлардан **47 700** та библиографик маълумотлари яратилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 12 февралда тасдиқланган 05-5-1-сон Чора-тадбирлар режаси ҳамда 2016 йил 17 февралдаги ЭДО-03/1-865-сон йиғилиш баёнига мувофиқ кўчмас мулк объектларининг кенг кўламдаги хатлови бўйича ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган комиссиялар томонидан келиб тушган сўровлар асосида пулли хизматлар бепул бажариб борилди. Мазкур топшириқларни сифатли ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан фуқаролар ва жисмоний шахсларга ер ажратиш бўйича ҳокимлик қарорлари электрон базасини шакллантириш дастурий платформаси ишлаб чиқилиб, ушбу дастурнинг базасига маълумотлар киритиш ишлари амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилнинг асосий якунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни**



**ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича:**

2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари юзасидан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 январь куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида белгиланган устувор вазифалар Агентликнинг 2016 йил 22 январдаги 1-сон кенгайтирилган Ҳайъати йиғилишида ҳамда тизимдаги идораларнинг дирекция йиғилишларида кенг муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди (ҳисоботи иловада берилган).

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ишларнинг бориши**

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги, хусусан, меҳнат фаолияти ва иш ҳақини тасдиқлаш, ўқув муассасаларида ўқиганликни тасдиқлаш ҳамда мукофотланганлик тўғрисидаги архив маълумотномаларини бериш бўйича **1316 та (128 %)** сўровлар қабул қилиниб, ижро этилди (2015 йил 1-ярим йиллигида - 1027 та).

2016 йил 1-ярим йиллиги давомида жисмоний ва юридик шахслардан **197 та (231 %)** (**118 та my.gov.uz**) мурожаатлар келиб тушди (2015 йил 1-ярим йиллигида - 85 та). Ушбу мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида **47 та (77 %)** (**24 та my.gov.uz**) таси Агентлик томонидан ижроси таъминланди (2015 йил 1-ярим йиллигида - 61 та), **150 та (741 %)** (**94 та my.gov.uz**) таси Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ тааллуқлилиги бўйича тегишли жойларга ижро учун юборилди (2015 йил 1-ярим йиллигида - 21 та).

Шу билан бирга, 2016 йил 1-ярим йиллиги давомида давлат архивларига жами **118 310 та (121%)** ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар келиб тушди (2015 йил 1-ярим йиллиги давомида - 97 411 та), **100 851** нафар фуқаро архивга шахсан мурожаат этди.

Архив хужжатлари асосида **108 983 та (123 %)** сўровлар бажарилиб (2015 йил 1-йиллиги давомида – 88 674 та), улардан **101 558** таси ижобий, **7 425** таси салбий жавобларни ташкил этди. Сўровлар асосан эвакуация, меҳнат стажи, иш ҳақи, тақдирланиш, ўқиш даврини тасдиқлашдан иборат бўлди.

**“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодиётни янада ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, таркибий ўзгартиришлар ва модернизациялаш бўйича 2016 йил иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлаган мажлисидаги маърузасида белгиланган топшириқларни сўзсиз бажариш бўйича “Ўзархив” агентлиги тизимида амалга ошириладиган аниқ Чора-тадбирларнинг бажарилиши. Жумладан, архив муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, Миллий архив фондининг сақловини таъминлаш ва хужжатларни сақлаш усулларини янада такомиллаштириш, архив хужжатларининг электрон нусхаларини ва уларнинг базаларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар.**

Республикада архив ишини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг алоҳида



қимматли ҳужжатларининг электрон шаклини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳисобот даври давомида **43 080** сақлов бирлиги, шу жумладан **24 211 с.б** дан иборат (**703 994**) қоғоз, **18 578** сурат **133** та кино ва **158** та овоз ҳужжатларининг ҳужжатларининг электрон нусхалари яратилди.

2016 йил 1-чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Навоий, Фарғона вилоят давлат архиви базасида ташкил этилган “Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари” ўқув курсида **344** нафар ва Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви базасида ташкил этилган “Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати” махсус ўқув курсларида **313** нафар турли ташкилот мутахассислари, шу жумладан мазкур ўқув курсларида архив муассасаларидан **72** нафар ходимлар ўз малакаларини оширдилар.

**“Ўзархив” агентлиги тизимидаги архив муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2487-сон Қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича:**

“Ўзархив” агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2487-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 3 та марказий давлат архивлари ва 14 та архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий кадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, архив бинолари атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, республиканинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги 176-Ф-сонли фармойиши ижроси юзасидан Агентлик ва унинг тизимидаги архив муассасаларида 2016 йил март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг 12-13 март кунлари барча архив муассасаларида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиб, архив биноларининг ён атрофларида мевали ва манзарали дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ҳамда йўлакларни тартибга келтириш ишлари амалга оширилди. Ҳудудларда ободонлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида йиғилиб қолган чиқиндилар ташкилий равишда алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқилди. Ҳашар давомида 3 та марказий давлат архивлари ва 14 та ҳудудий архив иши бошқармалари томонидан **306 та** мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда **476 та** гул кўчатлари экилди.

Қиз болалар – бўлажак оналарни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда вояга етказиш, келажақда соғлом ва мустаҳкам оила қуришларида асосий шарт ҳисобланган ҳаётга бўлган мустаҳкам нуктаи назарни ва мустақил фикрлашни шакллантириш мақсадида ҳамда 8-март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 2016 йил 14-15 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви биносида **“Балли қизлар”** республика кўрик танлови ўтказилди. Мазкур танловда 14 та



худудий архив иши бошқармалари ҳамда 3 та Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларидан 1 нафардан ёш, ижодкор, ташаббускор архивчи қизлар иштирок этдилар.

Ходимлар орасида спортни кенг оммалаштириш, архив мусасаларида фаолият юритаётган хотин-қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, улар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш ҳамда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш мақсадида 2016 йилнинг 18 мартида “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати ҳамда тизимдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Кинофонофото хужжатлари Марказий давлат архиви, Илмий техникавий ва тиббиёт хужжатлари Марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти архив иши бошқармалари ходимлари ўртасида спортнинг стол тенниси ва футбол турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва соҳада фаолият юритаётган аёлларни соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари томонидан замонавий тиббий-диагностик марказлардан фойдаланилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди.

Жорий йилнинг **6 оyi** давомида давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган тадбирлар давомида республика бўйича жами **144,6 млн. сўм** миқдорида маблағлар сарфланди. Шундан, **12,6 млн. сўм** бюджет маблағлари, **117,3 млн. сўм** бюджетдан ташқари маблағлар ва **14,6 млн. сўм** ҳомийлар маблағини ташкил этди.



## МАҚОЛАЛАР

*Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига*

### ХУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ<sup>1</sup>

**А.Х.Абдуллаев,**  
**“Ўзархив” агентлиги Бош директори**

Мустабид тузум даврида халқимизнинг ўтмишидан сўзловчи архив хужжатлари йўқотилди, китоблар ёқилди. Аждодлар ва авлодларни боғлаб турувчи муқаддас ришталарга путур етказилди. Зеро, ҳар қандай миллатнинг маданий савия-даражаси, руҳий қудрати унинг тарих ҳамда ўтмишга бўлган муносабатига боғлиқ. Зеро, ўтмишини бус-бутун, борича асраёлган, кўзига тўтиё қилган халқ, ҳеч шубҳасиз, башарият олдида мўътабар бир мақомдадир. Боболар кўлида ҳақиқат машъали бўлиб туғилган хужжатларни бугун ўз кўзи билан кўрган ўспирин тарих олдидаги масъулиятни янада теранроқ англаса, не ажаб. Шу боис ҳар қандай давлатнинг қудрати, унинг ноёб бойлиги дуру жавохирлари билан эмас, балки кўхна битиклар, ёдномалар, тақдирлар акс этган архивлар билан ўлчанади, десак муболаға бўлмас.

Бинобарин, истиқлолнинг илк йиллариданоқ Ватанимиз тарихини холис ва жиддий ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Республикамизда Миллий архив фонди вужудга келди. Барча ташкилот ва идораларда тарихий, сиёсий, иқтисодий, илмий ва маънавий аҳамиятга эга хужжатларни давлат архивлари сақловига тўлиқ ҳамда ўз муддатида қабул қилиш тизимли равишда олиб борилиши йўлга қўйилди. Натижада, мустақилликкача бўлган даврда давлат архивларида сақланаётган Миллий архив фонди хужжатлари 4,8 миллион сақлов бирлигини ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 8,6 миллионга етди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлатга тегишли ва тегишли бўлмаган қисмлардан иборат. Биринчи гуруҳга кимнинг тасарруфида эканлигидан қатъи назар, доимий сақланиши зарур бўлган, давлат мулки ҳисобланган архив хужжатлари киради. Улар, албатта, давлат архивларида ёки қонунчиликда ўзида сақлаш ҳуқуқи берилган муассасаларда сақланиши мумкин. Иккинчи гуруҳи эса доимий сақланиши лозим бўлган, нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти натижасида яратилган архив хужжатлари, шунингдек, жисмоний шахслар архив хужжатларидан иборат. Улар нодавлат архивларда сақланиши мумкин.

Архивлар ҳар йили фонд ташкил этувчи ташкилотларнинг, яъни жамлаш манбаларининг рўйхатини тузиб боради. Унга давлат органлари билан бирга жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам киритилади. Бироқ фаолият кўрсатаётган барча жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалар хужжатларини давлат сақловига олишнинг имкони йўқ. Шу боис давлат архивларининг жамлаш манбалари рўйхатига киритилмаган ташкилотларнинг хужжатларини сақлаш учун нодавлат архивлари ташкил этилмоқда. Улар зиммасига мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим аҳамиятга эга хужжатлар сақловини таъминлаш бўйича қатор масъулиятли вазифалар юкланган.

Ўз навбатида, сақлов сифатини таъминлаш ҳамда уларнинг тўлиқ жамланишига эришиш мақсадида соҳа тизими кенгайтирилди. Хусусан, истиқлолгача мамлакатимизда 72 давлат архиви фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 103 тага етди. Бу борада

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетасининг 2016 йил 13 июлдаги 135-сонида чоп этилган. Б.1,4.



2010 йил 15 июнда қабул қилинган “Архив иши тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Яратилган қонунчилик тизими архивларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, электрон архив фондларини яратиш, ҳужжатларни қайта тиклаш ҳамда рақамлаштиришнинг замонавий ускуналари билан жиҳозлашда янги истиқболларни очмоқда.

Бугунги кунга қадар республикамизнинг барча ҳудудида 22 та янги давлат архиви бинолари куриб, фойдаланишга топширилгани фикримизнинг яққол далилидир. Бундан ташқари, 5 та давлат архиви биноси тўлиқ реконструкциядан чиқарилди. Энг муҳими, улар замонавийлиги, энг илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани жиҳатидан ажралиб туради. Амалиётга изчиллик билан татбиқ этилаётган шу каби саъй-ҳаракатлар туфайли давлат архивларининг сифимдорлиги 2,5 миллион сақлов бирлигига ортди.

2008 йилдан бошлаб барча давлат архивларида ҳужжатларнинг “умри”ни узайтириш мақсадида алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишларига киришилди. Ҳозирга қадар 417 минг сақлов бирлигидан ортиқ, шу жумладан 3,6 миллион қоғоз асосдаги, 205 минг фото, 1600 кино, 2400 фоно архив ҳужжатларининг электрон нусхалари яратилиб, жами давлат архивларида сақланаётган алоҳида қимматли ҳужжатларнинг 35 фоизи электрон форматга ўтказилди.

Бугунги кунда ахборот олишга бўлган эҳтиёж тобора ошиб борапти. Мазкур жараён архивлар фаолиятини ривожлантиришда янгича ёндашувни талаб этмоқда. Шу боис мавжуд миллий архив муассасалари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланишига катта эътибор қаратилапти. Бу эса иш самарадорлигини оширибгина қолмай, ҳужжатларни сифатли ва узок муддатга сақлаш имкониятини бермоқда. Шунинг билан бирга аҳолининг архив ҳужжатларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида [www.archive.uz](http://www.archive.uz) сайти мунтазам фаолият юритмоқда. Ушбу сайтда “Хизматлар” ва “Интерактив хизматлар” туркумларида фуқароларга архив муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид кенг қўламли маълумотлар ҳавола қилинган ва аҳолига онлайн-қабулхона ҳамда ишонч почтасига мурожаат этиш шароитлари яратилган. Фуқароларга Ягона давлат интерактив хизматлари орқали ҳам яқиндан кўмак берилапти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ва Сирдарё, Андижон, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари давлат архивларида жорий этилган замонавий ахборот (сенсорли) киосklarининг электрон базалари янада кенгайтирилиб, давлат архивларида сақланаётган 50 753 та корхона, ташкилот ва муассасаларнинг шахсий таркиб ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилди.

Бу каби қулайликлар туфайли ҳужжатлардан фойдаланувчилар ва қизиқувчиларнинг сони тобора ортмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 31 400 дан ортиқ ҳужжат мурожаат қилувчилар томонидан кўриб чиқилган. Фуқароларнинг 190 000 дан зиёд ижтимоий-ҳуқуқий сўровларига жавоб қайтарилган.

Кейинги йилларда архив иши бўйича халқаро ва нуфузли ташкилотлар билан ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик йўлга қўйилди. Польша, Италия, Греция ҳамда Россия билан соҳага доир ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

— Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳада улкан ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқда, — дейди Архив иши ва иш юритиш бўйича бутунроссия илмий-тадқиқот институти директори, тарих фанлари доктори, профессор М. Ларин. — Жумладан, архив соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, Марказий давлат архивлари қадимий ҳамда мамлакатингиз истиқлол йилларидаги



хужжатларга бойлиги билан ажралиб туради. Уларни энг замонавий техника ва технологиялар асосида сақланиши, улардан фуқаролар эмин-эркин фойдаланишини алоҳида таъкидлашни истардим. Ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистондаги архив соҳасида орттирилган бой тажрибадан дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳам ўрнак олса арзийди.

Республикамизда 28 та касб-хунар коллежи, 4 та университетда архив иши ва иш юритиш йўналишида малакали кадрлар тайёрланмоқда. Архив идоралари таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари олиб бормоқда. Ёш мутахассисларнинг архивларда амалиёт ўташи, битирув малакавий ишини химоя қилишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

2009 йил май ойидан бошлаб “Ўзархив” агентлиги Халқаро Архивлар Кенгашининг “А” гуруҳи (Миллий архив хизматлари) бўйича, шу йилнинг ноябрь ойида эса, мазкур кенгашнинг Евразика бўлимига аъзоликка қабул қилинди. Эндиликда нафақат архив иши бўйича жаҳон тажрибаларини кенг ўрганиш, балки соҳага оид инновацияларни хорижий мутахассислар билан атрофлича муҳокама қилиш имкониятлари вужудга келди. Архив мутахассислари Греция, Франция, Польша, Корея Республикаси, Малайзия сингари давлатларда тажриба алмашиб қайтдилар.

Дарҳақиқат, архивлар — буюк тарихимиз кўзгуси. Уларда халқимиз босиб ўтган шонли ўтмиш, бугунги дориламон кунларимиздан гувоҳлик берувчи хужжатлар жамулжам. Демак, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш соҳа мутахассисларининг муҳим вазифасидир.

*К 25-й годовщине независимости Республики Узбекистан*

## НАЦИОНАЛЬНЫЙ АРХИВНЫЙ ФОНД: ВЧЕРА И СЕГОДНЯ<sup>1</sup>

Елена Южная

Независимость предоставила нашему народу колоссальные возможности. За эти 25 лет под руководством Президента Ислама Каримова достигнуты значительные успехи во всех сферах социально-экономической и общественно-политической жизни. Существенные изменения произошли и в деле формирования и совершенствования Национального архивного фонда, в результате чего документы, хранящиеся сегодня в архивах, превратились в зеркало, отражающее великую историю и славное настоящее нашей страны.

### Когда история оживает

О том, как кардинально преобразилась сфера, с нескрываемой радостью рассказывает архивист первой категории Центрального государственного архива Нина Юсупова. Всю жизнь она посвятила любимой профессии, но только в годы независимости ощутила реальную поддержку государства, признание важности и значимости своего труда.

- Сами посмотрите, в каких условиях теперь мы работаем, - говорит Нина Иргашевна, с которой проходим по читальному залу архива. – В нашем распоряжении светлые просторные кабинеты с современной мебелью, компьютерами и другой офисной техникой. Поменялись и сами принципы работы. Помню, как раньше приходилось часами перебирать каталог, чтоб помочь посетителям найти интересующие их документы. Ведь карточки с данными были старые, пыльные, рукописные. Сейчас же сформирована электронная база, большая часть сведений переведена в цифровой формат. Поиск занимает всего несколько минут, а значит, исследователи могут качественнее организовать научную деятельность.

<sup>1</sup> Опубликовано в газете "Правда Востока" 12.07.2016. №132, С. 1,3





А их в Центральный государственный архив ныне обращается немало, в чем наглядно виден еще один закономерный результат создания комфортных условий для пользователей. Это и учащиеся бакалавриата и магистратуры высших учебных заведений, старшие научные сотрудники-соискатели, и видные ученые из научно-исследовательских институтов, в том числе из зарубежных стран.

«Плодотворно проводил здесь исследования в течение нескольких лет. Возможности для научной работы в архиве просто замечательные. Надеюсь, что еще не раз вернусь в Ташкент», - написал на страницах книги с пожеланиями слова благодарности на узбекском (!) языке научный сотрудник Института иранистики при Академии наук Австрии Томас Велсфорд. Его коллега из Японии Исотаи Кэничи был более краток, но не менее восторжен: «Каждый раз, бывая в Центральном государственном архиве, чувствую, будто перед глазами оживает богатейшая и древняя история Узбекистана!» А американец Джэймс Пиккетт особо отмечает высокий профессионализм его специалистов: «Это большая привилегия заниматься в одном из самых богатых архивов в мире. Я приехал из Принстонского университета, чтобы провести исследование для своей научной диссертации. Документы, которые обнаружил в архиве, были чрезвычайно полезны. Сотрудники - профессиональны, приятны в общении и гостеприимны, только благодаря их квалифицированной помощи успел выполнить работу в краткие сроки».

#### **Цифра. Факт.**

Благодаря модернизации читальных залов отечественных архивов значительно вырос поток посетителей. По сравнению с началом 90-х годов прошлого века число исследователей, работающих с архивными документами, увеличилось с **790** до **1043**. Число выставок архивных документов с **73** до **366**, телепередач на их основе – с **16** до **184**, радиопрограмм – с **122** до **206**, опубликованных статей – с **224** до **316**.

#### **Добрые перемены**

Среди тех, кто воочию наблюдал добрые перемены, и главный хранитель фондов Центрального государственного архива Лилия Рамазанова. О них один из его старейших работников сегодня рассказывает молодым специалистам, чтобы ценили внимание и заботу государства, понимали суть и значение проводимых реформ.

- Представителей нового поколений в нашем коллективе большинство. И это лучше всяких слов говорит о том, насколько возрос престиж архивного дела. Не будет перспектив, молодежь не пойдет в профессию. При этом все ребята умные, образованные, знают иностранные языки и владеют информационными технологиями, - отмечает Лилия Каримутдиновна. – Требования к кадрам постоянно растут, потому что сфера динамично развивается в соответствии с современными реалиями. Это видно буквально с порога. После обновления в здании Центрального государственного архива оборудована специальная комната для посетителей. Установлены инфокиоски и стойки, где можно найти сведения о том, как оформить запрос, какие документы для этого необходимы, и так далее. Все организации и учреждения, сдающие в архив документы, вносятся в электронную базу данных. Благодаря этому ответы на обращения готовятся быстро, в установленные законодательством сроки. А в случае, если мы не располагаем запрашиваемыми данными, наши специалисты сразу перенаправляют посетителя в нужный архив.

Конечно, все это не идет ни в какое сравнение с тем, что было раньше. Представьте, в Центральном госархиве работала только одна машинистка, которая печатала справки. О какой уж тут оперативности можно говорить. На выполнение запроса уходил почти месяц. Посетителям элементарно не было, где присесть. А ведь к нам обращается немало пенсионеров – пожилых людей, которым сложно долгое время быть на ногах. Глядя на современные условия, понимаешь, с какой огромной заботой о человеке, его правах, проводятся созидательные преобразования в Узбекистане.



Только в прошлом году пользователями архивных документов просмотрено **свыше 31,4 тысячи** документов. Архивы ответили **более чем на 190 тысяч** социально-правовых запросов граждан.

Расширена электронная база информационных киосков, установленных в центральных государственных архивах, а также госархивах Ташкента и Сырдарьинской, Андижанской, Кашкадарьинской, Джизакской областей. В них размещены данные о документах личного состава свыше **50,7 тысячи** предприятий, организаций и учреждений, хранящихся в госархивах.

Наряду с традиционной формой открыта возможность обращения в архивы через Единый портал интерактивных государственных услуг. Так, в 2015 году в архивные учреждения поступило 2187, за шесть месяцев 2016-го - 780 запросов социально-правового содержания. Кроме того, посредством электронной почты в прошлом году пришло 1950, а в этом – 370 запросов. Действует сайт [www.archive.uz](http://www.archive.uz), предназначенный для обеспечения широкого доступа населения к архивным документам. В его разделах гражданам предоставляется информация об услугах архивных учреждений, работает онлайн-приемная.

#### **По современным требованиям**

- До обретения нашей страной независимости архивное дело осуществлялось поверхностно, без должного внимания. Документы в архивных фондах хранились в условиях, не отвечающих требованиям, - рассказывает генеральный директор Агентства «Узархив» Абдушукур Абдуллаев. - За минувшие двадцать пять лет в республике сформирован Национальный архивный фонд. Налажена системная работа по полному и своевременному приему на хранение государственных архивов документов, имеющих историческую, экономическую, научную и духовную ценность.

#### **Языком цифр.**

Если до 1991 года количество хранящихся в государственных архивах документов составляло **4,8 миллиона** единиц хранения, то сегодня в Национальном архивном фонде насчитывается **8,6 миллиона** единиц хранения. В ведомственных архивах - **1,2 миллиона**. То есть за четверть века число документов увеличилось почти в **два** раза.

- Закон «Об архивном деле», постановление Кабинета Министров «О дальнейшем совершенствовании управления архивным делом в Республике Узбекистан» от 3 февраля 2004 года и другие нормативно-правовые акты служат важной правовой основой для организации и управления деятельности в этой области, укрепления материально-технической базы учреждений, их оснащения современным оборудованием, создания электронных архивов, - продолжает Абдушукур Хамидович. - В стране возведено 22 новых здания государственных архивов. Реконструировано еще пять таких объектов. Вместимость госархивов увеличилась на 2,5 миллиона единиц хранения. Из зарубежных стран привезены копии более 2,5 тысячи исторических, научных, политических и культурных документов. С 2008 года для продления жизни документов государственных архивов, имеющих особую ценность, начата работа по созданию их электронных версий. Они появились уже у более 417 тысяч единиц хранения, в том числе 205 тысяч фото-, 1 600 кино- и 2400 фоновых документов.

Национальный архивный фонд состоит из государственной и негосударственной частей. К первой относятся архивные документы, находящиеся в государственной собственности, независимо от того, в чьем они владении. Для обеспечения их качественного хранения и полного сбора система госархивов расширена. В частности, их число в период независимости возросло с 72 до 103.

В состав же негосударственной части входят архивные документы, созданные в результате деятельности негосударственных предприятий, учреждений и организаций, а также личные архивные документы физических лиц. Документы, относящиеся к этой части,



могут храниться в негосударственных архивах. Также определенная их доля находится и в госархивах.

#### **Пример для развитых стран мира**

В последние годы установлено сотрудничество в области архивного дела с авторитетными зарубежными и международными организациями. Заключены соглашения о партнерстве с архивами Польши, Италии, Греции, Египта и России. Агентство «Узархив» принято в категорию «А» (национальные архивные службы) Международного совета архивов, а также стало членом его Евроазиатского регионального отделения (ЕВРАЗИКА). Специалисты отечественных архивов обменивались опытом с коллегами в Греции, Франции, Польше, Республике Корея, России, Малайзии и других странах.

#### **Признание**

**Михаил Ларин, директор Всероссийского научно-исследовательского института документоведения и архивного дела, доктор исторических наук, профессор:**

«Под руководством Президента Ислама Каримова Узбекистан достигает больших успехов и высоких рубежей во всех сферах. В частности, стоит отдать должное проделанной работе по развитию архивного дела. Центральные государственные архивы вашей страны облагают богатым фондом древних и относящихся к годам независимости документов. Они хранятся с применением самой современной техники и технологий, к ним обеспечен свободный доступ граждан. Можно уверенно говорить, что богатый опыт Узбекистана в области архивного дела может послужить примером и для развитых стран мира»

Большое внимание уделяется повышению профессиональных знаний кадров сферы. При центральных государственных архивах организованы курсы повышения квалификации «Исполнительский контроль и мастерство делопроизводства», «Основы организации деятельности ведомственных архивов». Кроме того, специалисты регулярно участвуют в семинарах-тренингах, проводимых на базе Центрального государственного архива кинофотофонодокументов».

Архивные ведомства тесно сотрудничают с образовательными учреждениями. В республике кадры для архивного дела и делопроизводства готовят 28 профессиональных колледжей и четыре университета. Созданы широкие возможности для того, чтобы молодые специалисты проходили практику в архивах, защищали выпускные квалификационные работы.

...Архивы – отражение великой истории Узбекистана. В них собраны документы, свидетельствующие о прошлом и нынешней благополучной жизни нашего народа. Все они хранятся в современных условиях для нынешнего и будущих поколений. Это является ярким воплощением результатов осуществляемых под руководством Президента Ислама Каримова реформ в архивном деле.



## АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИНИ КЕЛАЖАК АВЛОДГА ЕТКАЗИШ-МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

**Ш.Хайдаров,  
Андижон вилояти Архив иши  
худудий бошқармаси бошлиғи**

Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир. Бу иборани ўқиганимда беихтиёр бепаён ватанимизни ўтмиши ва унда аждодларимиз қолдирган из акс эттирилган хужжатларни келажак авлодга етказишдек хайрли ишни амалга ошираётган ҳамкасбларимнинг меҳнатидан фахр туйғулари қалбимни чулғайди. Архивчилар ана шундай ўтмишни келажакка элтувчи қийин, лекин хайрли, шарафли ишни амалга оширмоқдалар.

Бундан олти йил олдин, яъни 2010 йил 15 июнь куни “Архив иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг қабул қилиниши республикамизда архив ишига давлатимиз томонидан эътибор янада ортиб бораётганлигини бир тимсоли бўлди. Қонун нафақат давлат архивлари мутахассислари, балки республикамизда фаолият юритаётган ташкилотлар, муассасаларнинг архив иши ва иш юритиш бўйича масъул ходимлари архив хужжатларини бутлигини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича жавобгар эканлигини белгилаб берди.

Бунинг боиси, албатта, хужжатлар энг аввало ташкилотлар, муассасалар фаолиятида шаклланади, йиғмажилд ҳолига келтирилади, ташкилот бўлим ва бўлинмаларида, идорада ажратилган алоҳида архив хонасига жойлаштирилиб, архив муассасасига топширилгунга қадар сақланади. Шунинг учун давлат архивининг хужжат сақловчи мутахассисларига уларни сақланиши бўйича қандай талаб қўйилса, ташкилотлардаги иш юритувчилар ва архив учун масъул ходимларга ҳам шундай талаб қўйилади.

Қонун қабул қилингандан кейин, айниқса, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг архивлар фаолиятига эътибори ортди. Чунки, мазкур қонуннинг 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг архив иши бўйича ваколатлари белгиланган бўлиб, унда Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган давлат архивлари ва идоравий архивларда турган архив хужжатларининг сақланиши учун лозим даражадаги шарт-шароитларни таъминлаш, Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган архивлар ва идоравий архивларда турган архив хужжатларининг ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш, тегишли ҳудуддаги давлат архивларини молиялаштириш миқдорини ўз ваколатлари доирасида белгилаш кўрсатиб ўтилган.

Архив муассасасаларининг вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорлиги ривожланиб, архив мутахассислари бошқарув идоралари архивларни ташкил қилишда, хужжатларни архивга топширишга тайёрлашда ҳам амалий, ҳам услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Вилоят, шаҳар, туман ташкилотларини ҳам архив ишига эътибори йилдан йилга яхшиланиб, такомиллашмоқда. Ташкилотлар масъул ходимларининг архивларга йиғмажилдлар номенклатураларини тузиб бериш, архив иши ва иш юритиш бўйича меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш бўйича мурожаатлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги Раёсат йиғилишининг 99-А сон баёнида архив мутахассислари олдига бир қатор вазифалар қўйилди.

Жумладан, архив биноларини ҳолатини ўрганиш, хатловдан ўтказиш ва архив муассасаларини замонавий, қулай шарт-шароитларга эга бўлган бинолар билан таъминлаш, таъмирталаб бўлган биноларда таъмирлаш ишларини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилди.



Ушбу вазифаларни амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2015 йил 22 декабрдаги 138-сон фармойиши асосида ишчи гуруҳ тузилиб, вилоятдаги 7 та давлат архиви ҳамда 14 та идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб хужжатлари архивлари биноларининг ҳолати атрофлича ўрганиб чиқилиб, хатловдан ўтказилди ва моддий-техник базасининг ҳолати таҳлил қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда архив соҳасига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг натижасида Андижон, Асака, Бўз, Хўжаобод, Пахтаобод туманлари идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб хужжатлари архивлари архив хизмати кўрсатиш учун қулай шарт-шароитларга эга бўлган мослаштирилган биноларга эга бўлди. Архив биноларида куриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Андижон вилоятида фаолият юритаётган давлат архивлари биноларини кўриб чиқилганда эски Партия архиви учун қурилган бинода вилоят давлат архиви ҳамда вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси фаолият олиб борар эди. 2011 йилда Давлат инвестиция дастури асосида вилоят давлат архиви учун 100 минг сақлов бирлигига мўлжалланган қўшимча сақловхона қуриб битказилиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган. 2016 йилда бошқарма ва вилоят давлат архиви фаолият юритаётган бино Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси кенгаши балансидан вилоят Архив иши ҳудудий бошқармаси балансига ўтказиб берилди. Асака туман давлат архиви мустақиллик даврига қадар Асака шаҳар саноат моллари бўлими балансида бўлган бинода фаолият юритар эди. Мустақиллик даврига келиб, ҳозирда Асака шаҳридаги Карвонсарой кўчасида архив учун махсус қурилган замонавий ҳар томонлама шарт-шароитларга эга бўлган бинода фаолият юритмоқда.

Избоскан туман давлат архиви аҳолига архив хизмати кўрсатиш учун ноқулай, туман марказидан узоқда бўлган Жонобод қишлоғида фаолият юритар эди. Туман ҳокимлигининг яқиндан берган ёрдами билан туман давлат архиви туман маркази Пойтуғ шаҳарчасига кўчирилди.

Мустақиллик шарофати билан архивларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга эътибор янада ортди. Давлат архивлари замонавий компьютер технологиялари билан тўлиқ жиҳозланди. Интернет, электрон почта алоқаси, электрон хужжат алмашинуви йўлга қўйилди.

Бугунги кунда архивларимизни замонавий компьютер технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Архив раҳбарлари ва мутахассислари компьютер саводхонлигини ошириш бўйича ўқув курсларига жалб этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 – мартдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакаларини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 73-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йилда вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимидаги давлат архивларининг 36 нафар ходими компьютер саводхонлиги бўйича Тошкент ахборот техника университетининг Фарғона вилоят филиалида малака оширдилар.

2015 йилда вилоят давлат архивида ҳамда Асака туман давлат архивларида компьютерхоналари ташкил этилиб, ведеопроектор ва бошқа зарур жиҳозлар билан жиҳозланди. Мазкур давлат архивларида архив иши ва иш юритиш бўйича, АКТ ва ахборот хавфсизлиги бўйича архив мутахассисларини малакаси оширилди.

Избоскан туман давлат архивида туман ўтмиши ва бугунги кунини акс эттирувчи суратли кўرғазмалар, фотоальбомлар мавжуд бўлиб, давлат архивининг маънавият хонасига жойлаштирилди. Мазкур фото хужжатларда туманнинг тарихи, худдудда яшаб, мустақилликка эришиш йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрий уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳаёти акс эттирилган. Шу билан бирга, туман давлат архивини кечаги ва бугунги кунини акс эттирилган ноёб фото суратлар мавжуд.



Туман давлат архиви мутахассислари архив хужжатларини тарғиб қилишда туман марказида ўтказиладиган “9-май хотира ва кадрлаш” куни, Мустақиллиги байрами кунларида самарали фойдаланадилар. Бу йил Избоскан туманининг ташкил этилганлигини 90 йил тўлиши муносабати билан туман ҳокимлигига давлат архивида сақланаётган тарихий хужжатлардан фойдаланиш бўйича ташаббусли ахборот билан муурожаат этилди.

Давлат архивларида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини сақлаши, давлат ҳисобини олиб бориш ҳамда улардан фойдаланишга эътибор йилдан йилга ортиб бормоқда. 2011 йилда давлат архивлари фондларидаги хужжатларнинг мавжудлик ҳолати ялпи текширилган бўлса, 2015-2016 йилларда келиб фондлаштириш, қайта фондлаштириш, алоҳида қимматли хужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишлари “Ўзархив” агентлиги томонидан республика архив муассасалари олдиларига долзарб вазифа қилиб қўйилди. Мазкур вазифани бажарилишини таъминлаш бўйича “Ўзархив” агентлигининг топшириғига асосан ҳудудларда, жумладан Андижон вилоятида ҳам Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари архив мутахассислари учун ўтказилган услубий-амалий семинар ушбу йўналиш бўйича архив ходимларининг иш фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилинишида ижобий натижа берди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан “Ўзархив” агентлигининг буйруқ ва кўрсатмаларига асосан вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг элимиз, юртимиз ҳаётида буюк бурилиш ясаган тарихий сана ватанимиз мустақиллигини 25 йиллигини муносиб кутиб олиш учун вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси тадбирлар режасини ишаб чиқди. Ушбу тадбирлар режасини амалга ошириш учун бошқарма вилоятдаги барча жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйди. Вилоят “Андижоннома” газетаси редакцияси билан ҳамкорликда вилоят давлат архивида сақланаётган тарихий хужжатлар, фото хужжатлар ёрдамида “Андижон кеча ва бугун” рукни остида Андижон вилоятидаги шаҳарлар ва туман марказларини мустақилликка қадар бўлган кўриниши билан мусатқиллик давридаги кўриниши ва мустақиллик объектлари акс эттирилган фото суратларни газета саҳифаларида чрп этилиши режалаштирилди.

## АРХИВНОЕ ХРАНЕНИЕ ДОКУМЕНТОВ В ФИЛИАЛЕ ИНОСТРАННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ, ДЕЙСТВУЮЩЕЙ НА ТЕРРИТОРИИ РОССИИ<sup>1</sup>

С.В. Потупалов

Иностранные организации, осуществляющие свою деятельность на территории Российской Федерации через аккредитованные филиалы, как правило, не входят в число источников комплектования государственных архивов. Отсутствие контроля со стороны архивных учреждений позволяет руководству филиалов действовать по собственному усмотрению и не всегда уделять должное внимание сохранности своих документов, ссылаясь на необязательность исполнения общероссийских требований к архивам организаций. По соображениям сохранения коммерческой тайны опыт работы с документами в представительствах иностранных компаний за редким исключением<sup>2</sup> в литературе не освещен: большинство опубликованных работ охватывает российский сектор экономики<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Опубликовано в науч.-практ. жур. “Отчественные архивы”, М., 2016. №3, С.17-22.

<sup>2</sup> См., напр.: Теслова Е.Ю. Архив клиентской документации: практика международной аудиторской компании // Отечественные архивы. 2010. №3. С. 60-64.

<sup>3</sup> Никифорова С.В., Росс Г.В. Совершенствование организационной структуры архива, ориентированного на услуги аутсорсинга // Экон. науки. 2008. № 40. С. 236-240; Бурова Е.М. Архивное законодательство и его применение в практической деятельности архивов организаций // Делопроизводство. 2013. № 1.С. 85-90; Кюнг



